

Тунги кўкимтир, зим-зиё осмонда окиш булутлар сузиб борарди. Тўлин ой атрофни ҳам кўкимтир булутлар ўраб олган. Киши тикилиб караса, гўё булутлар эмас, балки тўлин ой сузаётганга ўхшарди, атрофидаги юлдузлар бамисоли сочиб юборилган бир ховуч жавахирдай кўринарди: тўлин ой аста-секин чексиз само узра юксалиб борар ва ўзи билан бирга юлдузларни ҳам ортидан эргаштириб кетаётгандек эди.

Очик дераза рахида бошини ортига ташлаганча осмонга тикилиб ўтирган киз ўзини самодаги ажиб товланишлардан боши биров айландек хис этди. Кизнинг ёнида йигит турарди.

— Бу кандай ранг экан-а, ҳеч ажратолмаяпман! Толя, сиз ажрата оласизми?

— Киса, ниманинг рангини?

— Сизга неча маротаба айтишим керак, исмимни бундай атаманг деб...

— Узр-р, Ксения Андреевна.

— Мен булутлар ортида колган осмоннинг рангини айтаяпман! Хайратомуз ранг-а! Ҳам кўркасан, ҳам хайратга тушасан киши. Ҳақиқатан ҳам бу самовий, ерда бунакаси учрамайди. Зумрадга ўхшайди.

— Осмонда кўринаяптими, демак, у самовий. Кизик, нима учун у зумрад бўларкан — Зумраднинг ўзи нима — Ранглар коришмасими — Мен уни ҳеч кўрмаганман. Бу сўз шунчаки ёкиб колган, холос.

— Ҳа. Эҳтимол, бу зумрад эмасдир, балки шунга ўхшаш нарсадир... бунакаси, очигини айтсам, факат жаннатда учраса керак. Бу ажойиботни кўриб туриб, жаннат, фаришталар, Арши аъло борлигига кандай ишонмаслик мумкин?..

— Самбит дарахтида сап-сарик ноклар..

— Толя, сиз жудаям айниб кетгансиз, Марья Сергеевна, эси паст киз хар кандай ёш йигитдан афзалроқ, деб ҳақ гапни айтган экан.

— Киса, у жуда тўгри айтибди.

Киз эгнига олачипор гулли чит кўйлак кийиб олганди, оёгида эса арзон пойабзал. Унинг болдири ва тиззалари тўла, сочлари калта килиб киркилган, бошини кўрганни ром этадиган бир нозик тарзда хиёл ортига ташлаганди... Йигит бир кўлини кизнинг тиззасига кўйиб, иккинчи кўли билан унинг елкасидан кучди ва лабидан бўса олди. Киз ўзини унинг огушидан аста бўшатди-да, кўлини тиззасидан олиб кўйди.

— Тинчликми, хафа бўлдингми?

Киз бошини дераза кесакисига тиради, шунда йигит кизнинг лабини тишлаганча йиглаворай деб турганини кўрди.

— Сенга нима бўлди?

— Эй, ўз холимга кўйинг...

— Айт, нима бўлди ўзи?

Киз шивирлаб деди:

— Ҳеч нарса...

У дераза рахидан сакраб тушди-да, югуриб кетди.

Йигит елка кисиб кўяркан:

— Жинни бўлганми у! — деб кўйди.

1940 йил, 3 октябрь

Рус тилидан Назира Жўраева таржимаси
«Китоб дунёси» газетасидан олинди.